Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 18 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 46 (6942)

Da'vat

Юксак, теран ва атрофлича фикр юрита оладиган ва ижтимоий фаолиятидан эл-юртига наф етадиган сиймоларнигина мутафаккир дейиш мумкин.

«Ватан туйғуси» китобидан.

Ibrat

Муйноқ туманидаги 1, 2, 7 урта мактаблар ўқувчиларининг шу купларда қувончи чексиз. Сабаби жаҳон тараққиёт ва ривожланиш банки мактаб ўқувчиларининг ҳар бирига 3 минг сумлик кийим-кечак совға қилди. Шунингдек, Хўжайли шаҳридаги болалар интернати ҳам бу хил ҳотамтойликдан бебаҳра қолганлари йўқ.

Tajriba

ТМТ — ФИКРЛАШГА УНДАЙДИГАН УСУЛ

Ҳар бир ривожланган давлат фуқароси мустақил фикрлай олади ва бу фикрлаш унинг ҳаётда фаол бўлишига олиб келади. Фаоллик эса жамият тараққиётига сабаб бўлади. Фуқароси мустақил фикрлашдан маҳрум давлат эса таназзулга юз тутади. Миллий дастур тузиш бўйича ўтказилган йиғинда мактабни битираётган айрим ўқувчиларнинг мустақил фикрлай олмаслигини ва бу ҳолатнинг оқибат-натижалари юртбошимиз томонидан таҳлил этилди.

Одатда бундай пайтда танқидий материаллар уюштирилади, муаммолар очиб ташланади. Бироқ журналистикада яна бир бошқа йўл ҳам бор. У ИБРАТ йўли. Ибрат ҳам катта тарбиячи. Биз ибратли деб атаётган бу ўқув даргоҳида бўлиб, ўқувчилар билан мулоқотда бўлдик ва билдикки, бунда ҳар бир ўқувчи ўз фикрига эга. Олдига мақсад қўйган ва ўз мақсади томон интиляпти— ўқияпти. Албатта, бу интилишларга илмгоҳдаги устозлар ҳамроҳлик, таъбир жоиз бўлса, сарбонлик қилишмоқда.

Бунда йўлга қўйилаётган энг яхши ишлардан бири дарс ўтишнинг алтернатив ТМТ усулидир. Бу қандай усул? Аввало ТМТнинг ёйиқ шакли — Таҳлил-Мулоқот-Тезисдир. Дарс тартиби: ўқитувчи ўзи ўқитаётган фан бўйича мавзуларни бир ой олдин ёзиб, синфхонадаги эълон тахтасига қўяди. Бунда қайси мавзу қачон ва қайси соатда ўтиши батафсил кўрсатилган бўлади. Ўқувчилар бу мавзуни ёзиб олишгандан сўнг зарур қўлланма ва дарсликлар, қўшимча адабиётлар асосида дарсга тайёргарлик кўрадилар. Бунинг учун мавзу чуқур таҳлил қилинади. Синфдошлар ўзаро мулоқотда бўладилар, баҳслашадилар ва ниҳоят, мавзуни тўлиқ таҳлил қилишгач, қисқа тезислар ёзадилар. Дарсда эса бу фикрлар қисқа ва лўнда қилиб ўқитувчига ҳавола этилади. Ўқитувчи дарс якунида ўқувчиларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиб, зарур бўлса қўшимча савол-жавоб ўтказади. Бу усулнинг бир неча афзалликлари бор. Аввало, ёлғиз ўқитувчининг ўзи мавзуни тушунтириб беришдан сақланаяпти, бу ишга бутун синф қатнашяпти ва ҳамма ўйлашга, фикрлашга мажбур бўляпти. Иккинчидан, дарсга тайёрланиш жараёнида ўқувчи қўшимча манбалар излаяпти, ўқияпти ва фикр юритиб ўқиганларини бир чизиққа тизиб ўзи мустақил гапириб бераяпти. Учинчидан, ўқитувчи дарсга қатнашаётган 80—90 фоиз ўқувчини баҳолашга улгуряпти. Тўртинчидан, бу таҳлилга аралашиш, камчиликни тўлдириб туриш учун ўқитувчининг ўзи ҳам ўқиб бориши, ўз устида ишлаши лозим бўлади.

Энг асосийси, бу усул ўқувчининг мустақил фикрлаш, ишлаш ва ўз фикрига эга бўлишига сабаб бўляпти. У ҳозирча тажриба тариқасида амалга оширилляпти. Бу тажриба энди таълим соҳасидаги илмий даргоҳларнинг тадқиқотидан ҳам ўтиши лозим, албатта.

Мазкур илм даргоҳи — Шаҳрихон шаҳрида жойлашган академик Обид Содиқов номидаги 2-лицей-интернатдир. Директори Эгамбой Турсунов ҳам, муаллимлар ҳам ўз устида тинимсиз ишлайдиган фидойи инсонлар. Айни кундаги ўқувчилар, битирувчилар билан мулоқотда бўлганимизни юқорида айтдик. Шунингдек, ўтган 4 йиллик битирувчиларнинг тақдири билан ҳам қизиқдик. Қарангки, битирувчиларнинг ҳар бири лицей муаллимларининг эътиборида. Ким, қайси ўқишга топшириши аввалдан маълум бўлади. Рўйхат мактаб тахтасига ёзиб қўйилади. Масалан, 1992—93 йилги битирувчилар 24 нафар, уларнинг 2 нафари олий ўқув юртига ўша йили кира олмаган. Бироқ, улар эътибордан четда қолмаган. «Бу лицейимизнинг юзи, нега ўқишга кира олмайди», дея директор бошчилигида икки болани мактабга ўқитувчи ёки шу лицейга лаборант қилиб олишибди ва яна тайёргарлик кўришига ёрдам беришибди. Кейинги йилларда улар ўқишга киришибди. Бу битирган болаларнинг юз фоиз ўқишга кирди, дегани. Ўтган йилги 41 нафар битирувчининг 3 нафари мактабда ўқитувчи ёки лаборантлик қиляпти, бу йил улар яна бир бор ўқишга киришга ҳаракат қилишади.

Диагностик таҳлил ҳақида ҳозир кўп гапирилмоқда. Лицейда тест хонаси мавжуд. Ундаги тестлар Давлат Тест маркази тузган ахборотнома асосида. Вақт-вақти билан ўқувчи тест топширади. Ўқувчининг жавоблари асосида унинг қайси фан ва унинг қайси бўлимида билими оқсаётганлиги аниқланади, тузатиш йўллари кўрсатиб берилади.

Бундаги ўқувчилар Республика олимпиадаларида доим қатнашиб келяпти. Яқинда ўтган Республика мактаб ўқувчиларининг сиртқи олимпиадасида лицейнинг 11-синф ўқувчиси Сирожиддин Мадаминов 1-ўринни, 10-синф ўқувчиси Давлат Абдураҳмонов 2-ўринни, Шуҳрат Оллобердиев 5-ўринни эгаллади.

Бундаги тўгараклар иш фаолияти, ўқитувчиларнинг ёзаётган қўлланмалари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Одамларимиз ҳушёр. Улар мактабларни кузатиб юрадилар. Яқинда Андижон вилояти лицейларига ўқувчилар тестлар орқали қабул қилинди. Бизга етиб келган ишончли ахборотларга қараганда, мазкур лицейнинг химия-биология ихтисослиги бўйича гуруҳида ўқиш учун 25 ўринга 760 та ариза тушган. Ҳар бир ўринга — 30,4 нафар бола. Бу институт эмас — оддийгина лицей!

Ишончимиз комилки, бу йилги танлаб олинган ўқувчилар ҳам Ватаннинг ақлли ўғлонлари бўлиб етишадилар. Чунки бу ерда ҳамма фикрлай олади, барчанинг мустақил фикри бор. Фикрлайдиган фуқаромиз кўпаяверсин.

Ҳалим САЙИД.

Яқинда бўлиб ўтган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида юртбошимиз мустақил фикрга эга бўлмаган ёшлар ҳақида куйиниб гапирган эди. «Мактабларни битириб чиққан айрим ёшларнинг мустақил фикри йўқ, — деганҳ эди Президент. — Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади».

Taklif

МАНТИҚ — ФИКР МАНБАИ

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш» комиссиясининг йиғилишида Президентимиз замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини, чунки биз шу вақтгача ёшларимизни мустақил фикрлашга керакли даражада ўргата олмаганимизни кўрсатиб ўтиб, мактабни битириб чиққан ёшларнинг мустақил фикрлари йўқлигини алоҳида таъкидлади.

Бу борада мени ўйлантириб келаётган бир масала юзасидан ўз фикримни Сиз билан ўртоқлашмоқчиман...

Мустақил фикр, умуман фикр, фикрлаш тўғри бўлиши учун аввало ватандошларимиз фикрлаш қонун-қоидаларидан бироз бўлса ҳам баҳраманд бўлишлари керак. Шундай фан бор, уни ўрганиш кони фойда. Мен ***мантиқ (логика) фанини назарда тутяпман.***

Кўпчиликка маълумки бу фан Шарқда қадимдан ўқитилиб келинган. Ҳатто чор Россиясида ҳам бу фан гимназия ва бошқа ўқув юртларида кенг ўрганилган. Уларда ўша вақтда тайёрланган мутахассисларнинг савияси ҳақида салбий фикр билдириб бўлмайди...

Ҳозир ҳам кечагидек эсимда, 9—10-синфларда Навоий бобомиз ижодларини ўрганаётиб, дарсликда ***«Фарҳод бошқа илмлар қатори мантиқ илмини ҳам ўрганди»,*** *— деган жумлани ўқиб, домламиз Мамарасул Эрназаровдан бир нечамиз* ***«Бу қандай илм?»*** *— деб сўраган эдик. Домла имкон қадар бу фан тўғрисида тушунча бериб олий ўқув юртларига кирсангиз, албатта, бу фанни ўзингиз ҳам ўқийсиз, деб айтган эдилар...*

1968 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик куллиётига ўқишга кириб, университет асосий кутубхонасида логика дарсларига тайёрланиш жараёнида ***1947 йилда (!) ўрта мактабларнинг (?!) 7-синфи (!!!) учун чиқарилган ўзбек тилидаги логика дарслигидан*** *фойдаланар эдим.*

Энди, ҳозир тушунишимча, мактаб ўқувчиларини фикрлай оладиган бўлишидан, фикрлаганда ҳам ҳоким мафкура талаб қилганидан ўзгачароқ фикрлаб қўйишидан чўчиган коммунистик режим бу фанни ўргатишни таъқиқлаб қўйган экан...

Логика, менга маълум бўлишича, ҳозирда айрим ўқув юртларининг ҳуқуқ, тил-адабиёт, тарих ва баъзи гуманитар куллиётларидагина ўқитилади.

Агар чиндан ҳам 5 июнь куни бўлиб ўтган мажлисда тилга олинганидек, дастур барчамизни келажакни ўйлаб амалга оширадиган виждон ишимиз экан, мен келгуси ўқув йилидан бошлаб ўрта мактабларнинг юқори синфларида ***МАНТИҚ фанини ўрганишни йўлга қўйишни таклиф қиламан.*** *Шундагина бизда мустақил фикрлай олмайдиган, ёки фикрласа ҳам тумтоқ фикрлайдиганлар сони кескин камайиши, таълим-тарбиянинг самараси эса шу фанни билиш ҳисобига ўз-ўзидан ошиши мумкин...*

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ, С. Раҳимов туман ИИБ тергов бўлимининг катта терговчиси, милиция майори.

Mulohaza

ИСЛОҲОТГА ЯХЛИТ ЁНДАШУВ

Ёҳуд замонавий қишлоқ ишлаб чиқариши учун мутахассислар тайёрлашдаги ўзаро боғлиқликлар хусусида

Қишлоқ иқтисодиётини кўтаришга ёрдам берадиган кичик ва ўрта тадбиркорликни олга суришда ёшларимизнинг билим олишларида кўп қирралик мутахассисликларни эгаллашларида ҳали имкониятлар етарли эмас. Қишлоқ учун мутахассислар деганимизда асосан ёшларнинг қишлоқларда маҳсулотларнинг барча турларини ишлаб чиқарадиган, тайёрлайдиган, асрайдиган, қайта ишлайдиган корхоналар, комбинатлар, фабрика ва кичик-кичик заводларни қуришга қодир мутахассислар кўзда тутилади.

Хўш, қишлоқ ёш мутахассисларини тайёрлаш, ўқитиш ва иш жойлари билан таъминлаш қай йўл билан бажарилади?

Насиб бўлса, бундан буён мактабларда 9 йил мажбурий ўқитилади ва яна уч йил ҳунар таълими берилади. Ҳаммаси бўлиб, умумтаълим 12 йилни ташкил этади. Юқорида тилга олинган, 3 йил давомида юзаки ҳунар эгаси бўлиш эмас, балки ҳамма қишлоқ ишлаб чиқаришларида замонавий техника ва технология жараёнларини муҳандис даражасида ёки бўлмаганда кичик муҳандисликни эгаллаган бўлишлари шарт, акс ҳолда қишлоқда ишлаб чиқаришни ривожлантириб бўлмайди. Демак, қишлоқ ишлаб чиқаришнинг асосини яратиш юқори малакали мутахассисларни ҳар бир соҳада етарли бўлишни, қишлоқ ёшларининг уч йил ўқиш давомида ўзлари асосий иш кучларини ташкил қилишларини тақозо қилади.

Йигитларимиз кичик муҳандис касбини эгалласалар, қиз болаларимиз умумий тиббиёт, мактабгача тарбия, озиқ-овқат тайёрлаш жараёнлари ва бичиш-тикишни эгаллашларига имкон бўлади. Ҳамма йўналишдаги ўқишлар қишлоқ умумтаълим мактабларининг биноларида тушдан сўнг ўқитилади. Бундай услубдаги иш ва ўқишлар давлатимизни кўпгина ташвишлардан озод қилади. Масалан: ёшларимизни ўқитадиган биноларни қуришга зарурият қолмайди, иккинчидан ўқувчиларни пул билан таъминлаш масаласи хўжаликларнинг ўзларига юклатилади. Учинчидан, ётоқхона масаласида ҳам бош қотирилмайди. Чунки ҳар бир хўжаликларда меҳнат қилаётган ёшларимиз эҳтиёжлари тўлиқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобидан қондирилади. Ўқитиш ва ишлаб чиқариш масалаларини ҳар бир туман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармалари назорати остида бўлади. Ўқувчилар асосий иш кучлари ўрнида иш бажаришлари боис уларга зарур кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар ва пул маблағлари билан таъминлашни хўжаликларнинг ўзлари бажаради.

(Давоми 2-бетда).



ИБРАТЛИ ҚАБУЛ

Андижон вилояти лицейларига ўқишга қабул қилиш марказлаштирилган ҳолда амалга оширилди. Фикримизча, унинг бир неча ибратли жиҳатлари бор. Аввало қабул уч босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда лицейлар ўқитувчилари ва тарбиячилари жойларга чиқишиб, ўқишни хоҳловчилар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилари билан суҳбатлар ўтказдилар. Иккинчи босқич 13 июнь куни лицейда ўтказилиб, талабаларнинг дунёқараши, нутқи, ёзма нутқи, ўзини тутиши, одоби ўзига хос суратда синовдан ўтди. Учинчи босқичда эса ихтисослашган фанлар бўйича имтиҳонлар компьютерлар воситасида олинди. Имтиҳон жараёнига ота-оналар, ўқитувчилар — жамоатчилик таклиф этилди. Талабгорлар компьютер ажратган 50 та саволга жавоб бердилар ва ҳар бир саволга тўғри жавоб 2 балл билан баҳоланди. Ҳар бир ихтисослик бўйича 65—98 балл тўплаган 25 нафардан ортиқ ўқувчи лицейларга қабул қилинди.

— Марказлаштириш деганда нимани тушунамиз? — дейди вилоят ХТБ бошлиғи ўринбосари, янги турдаги ўқув муассасалари вилоят кенгаши раиси Комилжон Абдураҳмонов. — Дейлик, Қўрғонтепа туманида 6 та лицей бор. Буларнинг барчаси учун танлов бир жойда ўтказилди. Имтиҳонларга Республика «Истеъдод» марказининг вилоятдаги ходимлари, вилоят, туман халқ таълими мутасаддилари, лицей ўқитувчилари, ҳатто лицейларнинг юқори синф ўқувчилари қатнашдилар.

Компьютерда йиғилган жавоблар диагностик таҳлил қилиниб, атрофдаги ўрта мактабларда ўтилаётган дарслар, таъбир жоиз бўлса, ўқитувчиларнинг савияси аниқланади. Диагностик таҳлилнинг фойдасини эса ҳаммамиз яхши биламиз».

Бу ибратли тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

З. ТОШХЎЖАЕВ.

ИЛМУ ҲУНАРЛИ ЁШЛАР — ИСТИҚБОЛ ТАЯНЧИ

2-БЕТ.

ЧЎЛПОННИНГ СИЗ БИЛМАГАН ШЕЪРИ

3-БЕТ.

MMM ХАБАРЛАРИ

ТАРБИЯГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР

Яқинда Акмал Икромов туманида ҳокимият касаба уюшмаси, халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бўлимлари раҳбарлари иштирокида жамият, оила, бола тарбияси, ёшларга касб-ҳунар ўргатиш ва маънавият масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Унда ҳар бир соҳа раҳбарлари ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапирдилар, шунингдек қимматли таклифлари билан ҳам ўртоқлашдилар.

Туман халқ таълими бўлими ходимлари ташаббуси билан тайёрланган боғча болаларига, мактаб ўқувчиларига ва талабаларга либос (форма)ларнинг намойиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Анвархон АҲМАД ҚОРИ ўғли.

ДИЙДОР ҒАНИМАТ

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун, —

деганларида шоир нақадар ҳақ сўзни айтганлигини яқинда Янгиобод шаҳридаги 7-мактабнинг 35 йиллик юбилей тўйи яна бир бор ўзгача руҳда намоён қилди.

Унда устозлар шогирдлар билан, собиқ синфдошлар, дўстлар дийдор кўришишди, марҳум муаллимлар номларини ёд этишди. Шу куни барчани қувнатган тадбирлар ўйин-кулгига, рақс-лапарларга уланиб кетди.

Кеча сўнгида собиқ ўқувчилар, ота-оналар мактаб жамғармасига ўз ҳисобларидан маблағ ўтказдилар.

Мактаб раҳбари О. Иброҳимова ҳам бу тадбирнинг ўйлаганидан ҳам аъло даражада ўтганлигидан мамнун.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

ОЛТИН ЁЗ — ЎТАДИ СОЗ

Ниҳоясига етган ўқув йилидан кейин барча чарчоқларни унутиб маза қилиб дам олишга нима етсин! Айниқса, табиат қучоғида, тоғлар бағрида, зилол булоқлар бўйида, жониворлар билан дўстлашиб, қушлар билан «тиллашиб» ҳордиқ чиқаришнинг ўзгача гашти бор.

Андижон туманидаги Боғишамол оромгоҳи ҳам сиз орзу қилган ана шундай гўшалардан бирига айланган. Бу йил унда уч сменада 750 нафар ўқувчи дам олади. Ҳозирда оромгоҳ таъмирланиб болаларни қабул қилишга шай турибди.

Ш. КЕЛДИЕВ.

JUMLADA JAHON

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев шу йил 18—19 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

⊛ Республика олий ўқув юртларида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган лекция машғулотлари бошлаб юборилди.

⊛ Франция пойтахти Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги тантаналари ўтказилиши муносабати билан «Бухоро ҳақиқати» газетаси инглиз тилида махсус илова нашр этди. У «Бухоро тонги» деб аталади.

⊛ 16 июнь куни Тошкентда, Банк-молия академиясида «Ўзбекистонда хусусийлаштириш инвестиция фондлари ва оммавий хусусийлаштириш: тажриба, ютуқлар ва хусусийлаштириш борасидаги халқаро тажриба» мавзуида халқаро семинар бошланди.

⊛ Чирчиқда «Кибо болалар пойабзали» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлди.

⊛ Афғонистоннинг шимолида толибларга қарши кучлар ўзларининг ҳукуматларини тузди лар, унинг таркибига Афғонистоннинг собиқ Президенти Бурхониддин Раббоний, генерал Абдул Малик, шунингдек, шиа мазҳабига мансуб кучларнинг раҳбари кирди.

⊛ АҚШ Польша билан Руминия НАТО таркибига биринчилар қаторида қабул қилинишига қарши чиқаётир, бу масала НАТОнинг яқин вақт ичида Мадридда бўладиган анжуманида узил-кесил ҳал этилади.

БИЛИМЛАР СИНОВИ

Яқинда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида инглиз, немис, француз тиллари бўйича талабаларининг Республика олимпиадаси ўрказилди. Маълумки, олимпиадани ўтказишдан кўзланган мақсад талабалар ижодий қобилиятларини юксалтириш, иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш, қолаверса, таълим, маданият, санъат ва бошқа соҳалардаги ишларни амалга оширувчи юқори малакали кадрларни шакллантиришдан иборатдир.

Бу галги Республика талабалар олимпиадасини ўтказишга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти, олий ўқув юртлари маъмуриятлари ва профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар жамоалари юксак масъулият ҳис қилган ҳолда тайёргарлик кўрдилар.

Инглиз, немис ва француз тиллари бўйича чет тилларда оригинал фильмларни томоша қилиб, маъносини чет тилда ёзиб бориш, матнни чет тилда тинглаб, тушунганини ҳикоя қилиб ёзиб бериш, чет тилида суҳбатлашиш, тестлар бўйича жавоб бериш ва синхрон таржима бўйича талабаларнинг билимлари синовдан ўтказилди.

Олимпиадада инглиз тили бўйича 16 олий ўқув юртидан 48 талаба, немис тили бўйича 12 олий ўқув юртидан 36 талаба ва француз тилидан 7 олий ўқув юртидан 31 талаба қатнашди.

Уч кун давом этган билимлар синовида инглиз тили бўйича шахсий биринчиликда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг талабалари В. Мелников биринчи, У. Юсупов иккинчи, М. Тешабоев учинчи ўринни эгаллашди. Жамоалар ўртасида эса Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети биринчи, Наманган давлат университети ва Андижон давлат тиллари педагогика институти иккинчи, Самарқанд давлат чет тиллари педагогика институти учинчи ўринни эгаллашди.

Француз тили бўйича шахсий биринчиликда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети талабалари О. Алимова биринчи, Г. Хубларов ва Т. Тошбоев иккинчи, Самарқанд давлат чет тиллари педагогика институти талабаси А. Муратова учинчи ўринларни банд этишди.

Француз тили бўйича жамоалар биринчилигида Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети жамоаси биринчи, Самарқанд давлат чет тиллари педагогика институти иккинчи ва Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети учинчи ўринни эгаллашди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, танловдан ташқари олимпиадада қатнашган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабалари чет тилларидан юксак савияда билимдон эканликларини намоён этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликларининг биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлари ғолибларга тантанали равишда топширилди.

Чет тиллари бўйича ўтказилган Республика олимпиадаси Республикамизнинг олий ўқув юртларида талабаларнинг чет тилларини эгаллашга интилишлари ошганлигини, профессор-ўқитувчилар жамоалари олий таълимни янада юксак поғонага кўтаришда зўр масъулият ҳис қилиб меҳнат қилаётганликларини кўрсатди.

Каримбой ЖУМАНИЁЗОВ.



КЕКСАЙГАН СФИНКС

Киото университетининг олими Хикаосо Танимотонинг илмий фарази мисрлик олимларнинг норозилигига сабаб бўлди. Х. Танимотонинг олиб борган тадқиқотларига кўра, 4600 йилдан буён қад кериб турган Сфинкснинг боши 200 йилдан кейин қулаб кетади. Олимнинг ҳисоб-китоби равшан: Сфинкснинг «бўйни» йилига 3-5 миллиметр тош қатламини йўқотаётган экан: емирилиш шундай давом этаверса, оғир «бош»нинг бўшаб «қолган «бўйин»дан думалаб кетиши аниқ...

КИМ БИРИНЧИ

Американинг Каролина университети археологлари Пэрриш Айленд адирларидан топилган қадимий ёдгорликларни ўрганиб чиқиб, Америкада биринчи манзилгоҳни қурган европаликлар инглиз ёки испанлар эмас, балки французлардир, деган хулосага келишди. 1562 йили, яъни инглизларнинг 1607 йили биринчи колония қуришларидан ярим аср илгари Франциядаги католикларга қарши бўлган гугенотлар «янги ерлар» илинжида Америкага келиб қолган экан.

ЕНГИЛЛИКМИ ЁКИ...

Яқин йилларгача бир қатор мутахассислар компьютерлаштириш инсонни қоғоз муаммоси ва ортиқча ёзишчизишдан халос этади, дея таъкидлашар эди. Бироқ Рейтер агентлигининг жаҳондаги бир ярим минг ишбилармонлар орасида ўтказган тадқиқотларига қараганда, «бизнесмен»ларнинг деярли барчаси компьютердаги кераксиз ва эскирган маълумотлар ичидан зарур кўрсаткичларни қидириб топишда беҳад қийналаётганликларини маълум қилганлар.

Mustaqillik va milliy ta'lim tizimi

ИЛМУ ҲУНАРЛИ ЁШЛАР — ИСТИҚБОЛ ТАЯНЧИ

Тошкентда бўлиб ўтган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида Президент Ислом Каримов мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Зеро, таълим-тарбиянинг янги замонга мос бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Узбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ривожида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, келажаги буюк давлат қуришдек энг эзгу ниятларимизнинг рўёбга чиқишида бугунги давр талабларига жавоб берадиган миллий кадрлар тайёрлаш ўта муҳимдир. Чунки мамлакатнинг эртанги истиқболини ҳам айнан замонавий билимга эга бўлган ёш мутахассис кадрлар таъминлаши, шубҳасиз.

Мустақиллик йилларида республикамизда кадрлар тайёрлаш ишига, таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият берилгани ҳам шундан. Мамлакатимизда аҳоли генофонди, ёш авлод салоҳияти анчайин юқори бўлиб, иқтисодий тараққий этган мамлакатларнинг ҳеч биридан қолишмайди. Узбекистонда мажбурий умумий ўрта таълим қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ёшларимиз ҳозирги кунда умумий таълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, ўрта касб-ҳунар ўқув юртларида муттасил ўз билимларини оширмоқдалар. Агарда статистика маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, ўн беш ва ундан катта ёшдаги ҳар минг кишининг 143 нафари олий ва тўлиқсизолий, ҳар минг кишининг 200 нафари ўрта махсус маълумотига эга мутахассислардир. Бундан ташқари бугунги кунда ихтисослаштирилган олий ва ўрта ўқув юртларида 360 мингдан ортиқ талаба билим олиб, малака эгалламоқда. Айни чоғда бозор муносабатларини ривожлантириш, хўжалик юритишнинг янги усулларини кенг ўзлаштириш мақсадида янги касб-ҳунарлар, айниқса, молия банк, бизнес ва менежмент, замонавий компьютер мутахассисликлари бўйича ўз билимларини оширмоқчи бўлган ёшлар сони ортиб бормоқда.

Албатта, ўсиб келаётган ёш авлодга чуқур таълим-тарбия бериш, замон талабига мос кадрлар қилиб тайёрлаш учун, айтиб ўтилганидек, барча поғонадаги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Чунки ҳаётимиз, одамлар онги ўзгариб боряпти. Эркин демократик жамият қуриш учун дадил саъй-ҳаракат қиляпмиз. Шундай бир шароитда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, бугунги кунга мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш муҳим вазифага айланмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссияси йиғилишида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий тамойиллари ҳақида гапира туриб, бизнинг халқимиз талант ва иқтидор жиҳатдан ҳеч кимдан кам эмаслигини, унга маърифатнинг равон йўллари очиб берилса, жаҳонда ўзига яраша обрўли ўринни эгаллай олишини таъкидлади. Маълумки, бизнинг фанимиз, ақл-заковат салоҳиятимизнинг ноёб ва ғўзал биносига бундан кўп асрлар муқаддам билимдон аждодларимиз пойдевор солишган. Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур ва бошқа кўпгина улуғ зотлар бизнинг ўтмишдош авлодларимиз эканлиги, улар олиб борган илмий тадқиқотлар, ёзиб қолдирган бебаҳо асарлари, очган ҳайратомуз кашфиётлари жаҳон, умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хазинасини ташкил қилганлигини бир эслаб кўрайлик. Бугунги янги авлод олдида минг йиллик қадриятларни, энг яхши анъаналарни ўзлаштириш, миллий-тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, буюк ажодларимиз ишини муносиб давом эттиришдек улкан ва шарафли вазифа турибди.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳам бирданига амалга ошириладиган жараён эмас. Чуқур ва пухта ўйланган дастур, узоқни кўзлаган тадбир зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бунда биринчи навбатда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида юқорида тилга олинган йиғилишда сўз юритган юртбошимиз энг аввало эски совет тузуми таълим тизими билан энди шакилланаётган мустақил Ўзбекистон таълим тизими ўртасидаги фарқни аниқ тушуниб олиш муҳимлигини уқтирди. Эски таълим тизимида биз ёшларимизни мустақил фикрлашга ўргата билмадик. Ўрта мактабни битириб ҳаётга йўлланма олган аксарият ёшлар ҳаётга тайёр эмасди. Уз фикрига эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади. Масаланинг энг муҳим жиҳати ҳам шундадир. Ўзи ёшлар доимо олдинга интиладилар. Истиқбол режалари билан яшайдилар. Шундай экан, бугунги вазифа уларга чуқур билим ва шахс сифатида шаклланишига имкон берувчи замонавий таълим-тарбия тизимини яратишдан иборат. Бунда оила, маҳалла, боғча, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим ва ниҳоят меҳнат жамоаси ўртасидаги узвийлик, мутаносиблик алоҳида аҳамият касб этади. Таълим-тарбия оила, маҳалладан бошланиб боғча ва мактабда, олий ўқув юртида давом этади. Шу жараёнда дунёқараши мустаҳкам шаклланган йигит-қизлар меҳнат жамоасида ҳам, эртанги мустақил ҳаётда ҳам тезда ўз ўрниларини топиб олишади.

Таълим тизимидаги ислоҳ ҳақида гап борар экан, ихтиёрий-мажбурий таълим ва касбу кор эгаси бўлиш аҳамиятини теран англамоқ зарур. Чунки айнан мана бу босқичларда ёшларнинг билим ва касбий кўникмалари қарор топади, олий ёки ўрта махсус таълимда ўқишни давом эттириш қобилияти белгиланади. Бошқача айтганда, ҳаётга тайёргарлиги аниқланади. Эндиликда шуни ҳисобга олиб, мамлакатимизда тўққиз йиллик мажбурий ва уч йиллик ихтиёрий-мажбурий ихтисослашган таълимни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда. Бундай таълим ислоҳотининг моҳияти шундаки, ўқувчи тўққиз йиллик мажбурий таълимни олгандан сўнг кейинги уч йил мобайнида алоҳида бир фанга ёки касбга йўналтирилган ҳолда ихтиёрий-мажбурий ўрта таълим малакасини олади. Яъни, ёшлар маълум бир касб-ҳунар эгаси бўлиб, мустақил ҳаётга йўлланма оладилар. Шу ўринда шўро таълим тизимидаги эски қолип ва мезонлардан воз кечиш ўта муҳимлигини яна бир бор қайд этмоқчимиз. Эски машина билан узоққа бориб бўлмаганидек, эски, мафкуралашган таълим билан ҳам ислоҳотлар ўтказилди. Ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак, деди йиғилишда юртбошимиз. Зеро, фан — тараққиёт демакдир. Фанни юксак ривожлантирмай, Ватаннинг келажаги ҳақида гапириш қийин. Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидоий инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир».

Чиндан ҳам мустақиллик шароитида миллий таълим-тарбиянинг роли беқиёс ошиб бормоқда. Бизнинг назаримизда қуйидагича сабаблари бор:

Биринчидан, биз мустақил демократик жамият қуряпмиз. Шундай экан, янги жамиятнинг эртанги истиқболини ҳар соҳада билимдон бўлган ёшлар белгилайди.

Иккинчидан, илм ўзни англамакдир. Яъни, ўзлигини англаган инсон орқага қайтмайди. Фақат олдинга интилади. Халқимиз «Билими зўр мингни йиқар», деб бежиз айтмаган.

Учинчидан, халқнинг таълим даражаси юқорилиги Ўзбекистон меҳнат салоҳиятининг хусусиятини белгилаб беради. Ва, ниҳоят, билимдон, замонавий кадрлар мамлакат ривожининг муҳим омили ҳисобланади.

Ўйлаймизки, кадрлар тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилаётган миллий дастурда илм-фан, таълим-тарбиянинг ҳамма жабҳалари кенг қамраб олинади. Бу дастурни амалга ошириш эса Ўзбекистоннинг XXI асрдаги тараққиётининг, қолаверса, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичида тенг бўлишини, салоҳиятли, иқтидорли кадрлари билан ривожланган давлатлар қаторига қўшилишини таъминлайди.

Аслиддин БОЛИЕВ.

Munosabat

ҲУҚУҚ ВА МАЪНАВИЯТ

Ҳуқуқ нима? Биз ҳақ-ҳуқуқларимизни биламизми? Унга фуқаролар қай тарзда амал қилишяпти?

Куни кеча «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорликда ўтказган «Маънавият ва инсон ҳуқуқлари муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий анжуманнинг ҳам диққат марказида асосан шу масалалар бўлди.

Ҳуқуқий демократик давлат қурмоқчи эканмиз, қонун олдида барча бирдек баробар бўлиши шарт. Бунинг учун эса инсонлар ўз ҳуқуқларини билишлари зарурдир. Бизда эса ҳозирча ҳамма ўз ҳуқуқини билади, деб бўлмайди. Шунинг оқибатида бир тарафдан ҳуқуқий нормаларга амал қилмаслик ҳолатлари келиб чиқса, яна ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ўзбошимчалигига шароит яратиб берадилар. Натижада эса уларга нисбатан норозилик кайфиятларининг вужудга келишига замин яратилган бўлади. Анжуманда айнан жамиятимиздаги оғриқ нуқталардан бири бўлган ҳуқуқ-тартибот ходимлари фаолиятидаги айрим камчиликлар қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Инсонлар ўз ҳимоячим деб билган инсонларнинг ўзлари ҳуқуқни бузсалар, уларни ҳимоя қилиш ўрнига ортиқча сарсон-саргардон қилсалар унда, дардини кимга айтади?

Бунга энг аввало, одамларнинг ўзларининг ҳуқуқий саводсизлиги сабаб бўлади, дедик. Лекин кўпгина ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ўзлари ҳам ҳуқуқларимизни том маънода билишмасачи. Афсуски, бундайлар топилади. Мустақил давлатимизнинг олдида турган энг долзарб масалаларидан бири ҳам жамиятимиз учун етук ҳуқуқшуносларни тайёрлашдир.

Шу ўринда ТДЮИ ректори Ҳалим Бобоев сўзга чиқиб мамлакатимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустахкамлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган кўпгина масалалар, жумладан, мамлакатимизда жаҳон ҳуқуқшуносларидан бемалол беллашадиган ҳуқуқшуносларни тайёрлаш муаммолари хусусида тўхталди.

Шунингдек, анжуманда ҳуқуқий тарбия ва маънавият масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Негаки, инсон маънавий юксак бўлса, жамиятнинг асосини шундай кишилар ташкил этса, ҳуқуқ масаласи бугунгидек долзарб бўлмайди.

Шубҳасиз, Ватанимизнинг ўтган юз йиллик тарихида Ислом дини катта аҳамият касб этган, тўғрироғи, аҳлоқий асосни ташкил этган. Нима учун энди борлиғимизнинг ўлмас эътиқодини назардан четда қолдиришимиз керак экан. Ахир имони бут одам бу том маънодаги маърифатпарварларнинг ўзику.

Ислом динидаги ахлоқий, ҳуқуқий меъёрларни ҳеч парса билан тўлғазиб бўлмайди-да. Анжуманда шу каби қўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Унда Маънавият маркази раҳбари Неъмат Аминов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов ҳамда қўплаб ҳуқуқшунос олимлар, файласуфлар, оммавий ахборот ходимлари иштирок этишди.

Акмал АБДУРАҲМОНОВ.

ИСЛОҲОТГА ЯХЛИТ ЁНДАШУВ

(Боши 1-бетда).

Хўжаликларга бириктириладиган ўқувчилар уч йил давомида (10, 11, 12 синфларда) ўрганишлари зарур бўлган касб-ҳунарлар қуйидагилар:

1. ТУПРОҚШУНОСЛИК.

Тупроқнинг физик-кимёвий ва биологик боғлиқлари. Минерал ва органик ўғитларни ишлатиш. Суғориш иншоотлари. Тупроқ зараркунандалари. Тупроқ ва сув экологияси.

2. ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ.

Жумҳуриятимизда ўстириладиган барча маданий ва озуқабоп ўсимликлар. Дуккакли дон ўсимликлар, ўсимликлар зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Ҳайвонот дунёси ва паррандалари.

3. ЧОРВАЧИЛИК.

Сут ва гўшт етиштириш ва ундаги технологик жараёнлар, музхоналар, консервалаш заводлари, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, ем-хашак озуқалари тайёрлаш, қайта ишлаш, асраш жараёнлари, чарм ва жун ишлаб чиқаришлари.

4. ПАРРАНДАЧИЛИК.

Тухум ва гўшт етказиш ва технологик жараёнлар, асраш, қайта ишлаш ва консервалаш...

5. АГРАР ҚУРИЛИШ МАЖМУАЛАРИ.

Уй-жойлар, уй ҳайвонлари ва паррандалари учун фермахоналар маҳсулотларни асрашга мўлжалланган омборлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва техникаларини асрайдиган-таъмирлайдиган бинолар қуриш. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводлари, чинни ва сопол буюмлари ишлаб чиқариш жараёнлари.

6. АГРАР ИССИҚЛИК ЖАРАЁНЛАРИ.

Очиқ ва ёпиқ тупроқларнинг иссиқлик жараёнлари, берк хоналарда иссиқлик таъминоти. Пиллачилик ва ишлов бериш жараёнлари. Машина ва трактор ички ёнар двигателлари, маҳсулотларни қуритиш жараёнлари, иссиқлик ёрдамида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, биотехнологик ўсимлик озуқалари, ёқилги.

7. МЕВАЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК.

Меваларни қўпайтириш, ишлаб чиқариш, асраш, қайта ишлаш. Меваларнинг қолдиқларидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Меваларнинг зараркунандаларига қарши кураш. Ёғ ишлаб чиқариш технологиялари.

8. ЧИЗМАЧИЛИК, КОНСТРУКТОРЛИК ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИШЛАРИ.

Қишлоқ хўжалигида учрайдиган барча техник-технологик жараёнлар аппаратлар ва бошқа анжомларни ўз ичига олган конструкторлик ва лойиҳалаш ишлари.

9. ҚИЗ БОЛАЛАР УЧУН ҲУНАРЛАР.

Болалар ва катталар умумий тиббиётлари. Болаларни мактабгача тарбиялаш. Бичиш-тикиш билимлари. Озиқ-овқат тайёрлаш технологиялари.

10. ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ТЕХНИКЛАРИ.

Электр қуввати манбалари, электр двигателлари, металлга ва ёғочга ишлов берадиган станоклар, электр ва газ билан пайванд қилиш аппаратлари, сут соғиш, совутгичлар, кир ювиш машиналари, электр анжомлари, радиотелевизор, кийим тикиш машиналари, ҳисоблаш машина ва аппаратлари.

11. АГРАР МОЛИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТ.

Юқорида келтирилган мутахассисликларнинг сони ҳар бир туман қишлоқ хўжалик бошқармасида қайд қилинган ишлаб чиқариш қувватларининг қайси йўналишларга қаратилганлигига қараб ўзгаришлари турган гап.

Ҳар ҳафтанинг 6 кунида тўрт соатлик ўқишлар давомида мутахассисликлар бўйича ўқитиладиган дарсликлардан фақатгина тўрт йўналиш бўйича намуна — мисол сифатида келтирамиз.

Биринчиси биотехнология жараёнлари ишлаб чиқариш техникалар ва технологиялари юзасидан кичик муҳандисларга, иккинчиси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиладиган барча трактор-машиналар ва ёрдамчи механизация анжомлари юзасидан кичик муҳандисларга, учинчи — электр қуввати ёрдамида ишлайдиган станок, аппарат, приборлар ва асбоб-анжомлар бўйича кичик муҳандислар учун, тўртинчи — иссиқлик техника ва технологиялари асосларини кичик муҳандисларига дарсликларни дорилфунун, олий ва ўрта махсус таълим ва техникавий дорилфунун дастурлари ёрдамида тузилган. Қолган мутахассисликлар юзасидан ҳам кўрсатилган дарсликлар асосида амалда бажарилиши мумкин.

Яқин келажакда ҳозирги кунимиздаги жамоа хўжаликлари деб номланадиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши замон талабига жавоб берадиган даражага кўтарилиши учун улар фирмаларга айланишлари зарур. Чунки кўп қирралик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил қилиб, бажариладиган масалалар комплекс ечилади. Айнан ишлаб чиқаришга зарур мутахассисларни тайёрлаш, ўқитиш ва иш жойларини яратишга фималарнинг қурби етади, холос. Битта жамоа хўжалиги бўлса унинг ўрнида битта фирмадаги мутахассисларнинг билим савиясини ошириш масаласини ҳар бир туман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари амалга оширади: (масалан, олийгоҳларимизда ёшларимизни ўқитиш заруриятиборми ёки йўқми?)

Тўққизинчи синфдан сўнг ёшларимиз уч йиллик ҳунар берадиган бирлашган ўқитув ишлаб чиқариш фирмаларида ишлашлари ва ўқишлари шарт. Юқорилийгоҳларга бориш ҳоҳиши бўлмаганлар фирмаларнинг ўзида юқори малакали мутахассислар қаторида ишларини давом эттирадилар.

Бирлашган ўқув-ишлаб чиқариш фирмаси фаолияти нималардан ташкил топиши тўғрисида ҳам мисол тариқасида берилган. Бу дастур тажриба тариқасида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб хўжаликлар, корхона ва институтлар билан ҳам ҳамкорлашиб тузилган.

12. БИОТЕХНОЛОГИЯ ЖАРАЁНЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНИКАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА КИЧИК МУҲАНДИС.

Биотехнология фани тарихидан бошлаб, замонавий йўналишларга келсак, ўзига хос кўп масалаларни ўз ичига олган бўлиб ген ва хужайра муҳандислиги, оқсил муҳандислиги, ферментлар муҳандислиги, биокаталитик жараён иммунбиотехнология, техник биоэнергетика, биогаз, фотоводород, целюлоза биоконверсияси, тиббиёт — қишлоқ хўжалик — кимёвий синтез - анализ ва бошқа ишлаб чиқаришлардаги ресурсларни қайта ишлаш ва шунга ўхшаш кўпгина муаммоларни ўз ичига олади.

Биотехнология жараёнларинг ишлаб чиқариш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— 1 Сервитаминлик, озуқабоп — бир хужайралик микро сув ўсимликлари ишлаб чиқариш биотехнологик жараёнлари.

2. Ўсимликларга юқори сифатлик озуқа ҳисобланган «гумус» моддалари ишлаб чиқариш биотехнологик жараёнлари (қизил чувалчанг, парранда ва бошқа маҳсулотлардан ишлаб чиқариш).

3. Ўсимликларга озуқабоп «бист» моддаси ишлаб чиқариш жараёнлари.

4. «Қанд жўхори»дан ҳайвонот ва паррандаларга озуқабоп ем-хашак етказиш ва қанд ёки «этанол» ишлаб чиқариш биотехнологик жараёнлар.

5. Метан (CH_4) гази ва карбонат ангидрид (CO_2) газларини ҳайвонот, парранда ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқиндиларидан ишлаб чиқариш биотехнологик жараёнлар.

6. Таркибида крахмал бор қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ва уларнинг чиқиндиларидан қанд моддаларини олиш биотехнологик жараёнлар.

7. Сут маҳсулотларидан сузма, пишлоқ ишлаб чиқариш биотехнологик жараёнлар.

8. Иккинчи даражали қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг чиқиндиларидан глюкоза ишлаб чиқариш биотехнологик жараёнлар.

Юқорида номлари аталган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш биотехнологик жараёнларига зарур бўлган ва чамбарчас боғланган назарий билимлар дарсликлар орқали ўргатилади.

Йўлчи АҲМЕДОВ,
муҳандис-эколог.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Куни кеча Тошкент давлат педагогика институтида «Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари» мавзуида катта йиғин бўлиб ўтди. Унга факультетлар деканлари, маънавият масалалари бўйича декан муовинлари, кафедра мудирлари «Камолот» ҳамда касаба уюшмалари фаоллари, хотин-қизлар кенгашлари ва фахрий кенгаш аъзолари таклиф қилиндилар. Анжуманни институт ректори Б. Қодиров кириш сўзи билан очди.

Яккасарой тумани хотин-қизлар қўмитаси муовини Қундуз Дадамуродова, институт проректори А. Қиргизбоев, Тошкент шаҳар маънавият марказининг раиси Садир Салимовлар давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммоларига оид муҳим масалалар устида тўхталиб ўтдилар.

Анжуманнинг олдига қўйилган яна бир муҳим масала «Ҳуқуқий таълим ва тарбия муаммолари» эди. Ҳуқуқ саводхонлик масаласи шу куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланганлиги, хусусан ёшларнинг ҳуқуқий билимлари давр талаби даражасида эмаслиги, ҳуқуқий таълим, айниқса, тарбия ўта мураккаб ва серқирра, узоқ давом этадиган жараёнлиги ҳақида Яккасарой тумани прокурори И. Рузиев, туман халқ таълими бўлими мудири У. Мирзажоновлар фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Нодира ҚЎЛДОШЕВА.



Барча мактабларда бўлаётганидек, Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 297-ўрта мактабда ҳам таъмирлаш ишлари қизғин бормоқда. Мактаб жамоаси таъмирлаш ишларини ўз кучлари билан тугаллашга аҳд қилганлар. Бу борада мактабда қурувчилар гуруҳи ташкил этилиб, алоҳида фаолият кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли. Гуруҳда 83 нафар ўқитувчилар ва ўқувчилардан иборат жамоа меҳнат қилмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 172-болалар боғчасида катта спорт ва дўстлик байрами бўлди. Ушбу байрам тадбири Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилди. Унда нафақат мезбонлар, балки ўзга боғчалардан меҳмонлар ва ота-оналар ҳам иштирок этишди. Жажжи тарбияланувчилар шу куни ўзларининг чаққонликлари-ю зукколиклари, топқирлигу қувноқликларини яна бир бор намойиш этишди. Тадбирда болажонларга атаб байрам дастурхони безатилди.

СУРАТЛАРДА: байрам кечасидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Fikr

ДЕМОКРАТИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ДАРСЛИГИ

Демократия нима? Баъзан бу саволга шунчалар рангбаранг зиддиятли жавоблар эшитамизу аниқ хулоса чиқаролмай ҳайрон бўлиб қолаверамиз.

Оддий ишчиларгина эмас, баъзан зиёлилар ҳам бу савол қаршисида гангиб қолиши мумкин. Назаримда, бунинг асосида инсонпарвар давлат қонунларини билмаслигу айниқса, сиёсат борасидаги билимсизлигимиз ётади.

Бу ўринсиз таъна бўлиб туюлмаслиги учун фикримизни далиллашга уриниб кўрайлик.

Ёзувчилар уюшмаси аъзоларидан бири минбарга чиқиб олиб: «Биз мўғуллардан зулм кўрганмиз, буни унутолмаймиз!» дейди. Эҳтимол шўро даврида ўсиб улғайган, олам қонунларидан бехабар — биз учун бу гапни эшитиш оддий туюлар. Аммо яхшилаб ўйлаб кўрайлик-чи?

Бунинг учун аввал мозийга мурожаат этайлик. Тарихчиларимиз унчалик ёдга олавермайдиган Тошкент хони — Юнусхоннинг ўрус шоҳига битган мактубини олайлик.

«Биз оломон ҳукмидан воз кечдик. Ота гуноҳига фарзанд жавоб бермайди».

«Оломон ҳукмидан воз кечиш» — бу аввало хонга эмас, давлат қонунларига бўйин эгишдир.

«Ота гуноҳи учун фарзанд жавоб бермаслиги» эса миллатлар ёки жамоалар орасидаги ғанимлик адовати ўчирилиб, ҳамкорликда яшашга даъват қилиш қонунидир.

Булар ўрта асрларда, бизнинг тушунишимизга кўра, «Жаҳолат ва нодонлик» ҳукм сурган даврда оддий ҳукмдорлар билган ва муҳими амал қилган қонунлардир.

Ирқий, диний, миллий ва маҳаллийчилик иллатларига барҳам берувчи бу қонунлар пайдо бўлганига неча минг йил бўлган? Искандар Зулқарнайннинг инсонпарварлик — давлат қонунларида акс этади дея эътироф этганини эсланг...

Бизда оддий фуқароларгина эмас, балки зиёлилар ҳам баъзан демократияни — адолат ила алмаштириб гангиб юрадилар. Демократия — бу адолат эмас, балки халқ қабул қилган қонунлар мажмуидир.

Ўтмишда Тўғон ёки Тўхтасин исмли йигитларни тўғон остига бостириб юборишган. Ҳеч ким қаршилик ҳам қилмаган, чунки отаошпарастлар давридан мерос қолган одам қурбонлик қилиши — одатий бир ҳол, қонун сифатида қабул қилинган.

Демократия — яъни халқ қабул қилган қонунлар астасекин адолат сари камол топиб бораверади.

Давлатлардаги Сенат, Парламент, Конгресс ва бизда Олий Мажлис тараққиёти ва маданияти ривожига кўмак берувчи қонунларни ишлаб чиқаради ва ижроия органларига оширади.

Тараққий этган мамлакатларда асосий адолат қонунларидан бири — ғанимлик эмас, рақобатдир: ким қандай адолатли қонун таклиф қилса, уни кўпчилик қабул қилсин...

Давлат қонуни билан янги қабул қилинадиган қонун орасида неча ўн йиллаб баҳс-мунозаралар ва тортишувлар бўладики, назаримизда бу баҳслар гўё давлатга қарши ва ғанимликдек қабул қилинади...

Демократия ҳақида кўп ва хўб ёзиш мумкин. Хулоса эса ягона бўлади. У ҳам бўлса келажак авлодни демократиянинг тараққиёт қонунлари ила яшаши учун таълим тизими даркор. Махсус дастур ва дарсликлар эса жуда-жуда зарур.

А. ЮНУСОВ.

Cho'lpon tavalludining 100 yilligi oldidan

...КЎРДИМ ДУНЁ ҲОЛИНИ

Маълумки, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўзбек миллий маданияти ва адабиётида ўзининг сермазмун бадиий ва публицистик ижоди билан бутун Туркистон халқлари орасида Чўлпон юлдуз янглиг чарақлаган зиёли эди.

Шоирнинг бой бадиий ижодиётининг бошланиш даврлари, аниқроғи, шеърларининг босилиб чиқиш онлари ўша 1914 йилнинг 3 апрелидан чиқа бошлаган «Садои Фарғона» ва ўша йилнинг 4 апрелидан дарж этила бошлаган «Садои Туркистон» газеталарида, яъни Чўлпон 16 ёшга тўлиб-тўлмасдан босилиб чиққан эди. Масалан, унинг «Туркистонли қардошларимизга» («Садои Туркистон» 1914, 18 апрель), «Маорифпарвар бобомиз муҳтарам Исмоил Гаспринский ҳазратлари ҳақинда таъзияномамиз» шеърлари («Садои Фарғона», 1914, IX.) ўша даврлар маҳсулидир.

Чўлпон ўзининг кўп қиррали ижоди давомида соф севги, пок муҳаббат, озод меҳнат, Ватанга, элга садоқат, иймон ва эътиқод, эркинлик ва мустақиллик, мардлик ва жасорат, иффат ва эзгулик сингари мавзулар доирасида яхшилик ва одамийликни, маориф ва маданиятни куйлаган ва тарғиб этган бўлса, сотқинлик ва иккиюзламачилик, адолатсизлик ва бидъат, илмсизлик ва мансабпарастлик сингари ноинсонийликни ўта таъсирли мисралар ва жумлаларда зўр маҳорат билан тасвирлаб берган эди.

Бир сўз билан айтганда, Чўлпоннинг бой ижодиёти умумий руҳида тарбия тушунчаси ётади. Шундай экан, унинг кўпчилик шеърлари яна ҳам аниқроқ, лўндароқ қилиб айтганда, мактаб ва маориф соҳаларига, шахсан бола тарбиясига қаратилган эди.

Шоирнинг таваллуд топган кунлари арафасида ҳали халқимиз билмаган, эшитмаган ижод намуналари кўплигини эътиборга олиб, шу кунгача ҳали эълон қилинмаган, фақат 1925 йилда босилган педагогик мавзудаги баъзи шеърларини топиб, уни ҳукмингизга ҳавола этмоққа уриндик.

«Ошиқ ва мактаб» шеъри Чўлпоннинг истиқлолдан сўнг чоп этилган тўпламларида берилмаган. Лекин шоир ва муаллим Элбекнинг 1925 йилда бошланғич мактабларнинг II бўлимлари учун тузган ва «Уздавнашр»да босилиб чиққан «УРНАК» номли ўқиш китобининг 22—23-саҳифаларида эълон қилинган.

ЧЎЛПОН

ОШИҚ ВА МАКТАБ

Ёшлиғимда кўб ўйнадим ошиқни,
Дам ютқизиб, дамда ютиб севиниб
Ёшим ўсгач, энди билдим мен ҳақни,
Шунинг учун юродирман куюниб.

Онажоним айтар эди менгаким
Ошиқ ўйнаб мугиз чиқмас, болам, деб.
Ул вақтда тингламадим, негаким
Ошиқ дедим, юрдим ошиқ ғамин еб.

Энди ўсдим, кўрдим дунё ҳолини,
Ишондим, мен катта ёнглиш қилғонман.
Изламасдан ўқув-билим йўлини,
Керак эмас дунёларда юрганман.

Хайр, энди ул чоқларда ўзи ҳам
Янги тартиб, мактаб деган йўқ эди.
Сабабини тушунмадим ҳали ҳам,
Ундай мактаб очмоқ қаттиқ тўсиқди.

Энди бу кун ажаб қизиқ замона
Ҳар бурчакда, ҳар бир ерда мактаблар,
Ҳамма ҳайрон мактабдаги тартибга,
Кўблар айтар ҳосил бўлди тилаклар.

Мен тилакни, фулонларни билмайман,
Бироқ ўзим зўр бўлсамда ўқуйман.
«Кет!» демаса, мактабимдан чиқмайман,
Чунки бунда тотли ўйлар тўқуйман.

Мактабимда билим ҳам бор, ўюн ҳам
Кўнгил очиш, томошо ҳам тиётр;
Емак, ичмак ким, қишда ўтин ҳам
Шу мактабни «ёмон» дейиб ким айтур?

Ҳайдарали УЗОҚОВ тайёрлаган.

Fahr

ИЗҲОРИ ДИЛ

Туман миқёсидаги энг ёш даргоҳлардан ҳисобланган мактабимиз ўзининг сермазмун ва жўшқин ҳаётини бошлаганига ҳадемай 10 йил бўлади. Жамоамизнинг асосини ҳам ёш ўқитувчи ва мутахассислар ташкил қилади. 1987 йил мактаб ишга тушиш арафасида Дорилфунунни тугатиб, йўлланма билан ишга келгандим.

Ўқитувчилик касбини эгаллашнинг ўзига хос муаммолари ва шу билан бирга завқ-шавқи самаралироқ эканлигига ўз иш жараёнимизда ишонч ҳосил қилдик. Чунки мактаб ўзига хос катта бир оила. Унга муносиб фарзанд бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас экан. Ўзимиз ўқувчи бўлганимизда доим устозларни ўзаро талашар эдик. Ҳа, биз ўзимиз севган устозга ҳавас ҳам қилардик, уларга ўхшашни орзу қилардик.

Мана, бугун ўзимиз пок ниятлар билан ўз шогирдларимизни ҳаёт суқмоқларидан йўлга солаяпмиз. Ўқувчиларимизнинг баркамол, маънавиятли, маданиятли инсон бўлишлари учун ўз устимизда ишлаб, ижод қилаяпмиз. Бунда бизга мактабнинг етук устозларидан «Халқ маорифи фидойиси», олий тоифадаги мураббий Абдулазиз ака Абдуллаев, олий тоифадаги устоз Стелла Исааковна, Раиса Яковлевна, Абдумажид ака Ҳакимов, Раҳима Маликовна ва Дилбар Хабибуллаевналарнинг маслаҳат ва ўгитлари катта ёрдам бераяпти. Мактаб тўйига тўёна бўлсин деб имкон қадар мактаб, маҳалла, туман, шаҳар миқёсидаги турли кўрикларда фаол иштирок этаяпмиз. Ўқувчиларимиз туман миқёсидаги фан олимпиадаларида, «Илҳом чашмалари» кўрик-танловида, устозлар эса «Йил ўқитувчиси» туман танловида фаол қатнашдилар. Албатта, танловларда қўлга киритилган ютуқлар бу тўёнадир. Лекин шундай кўрикларда иштирок этиш, ҳали ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимиз, ҳар бир нарсага масъулиятли бўлишимиз керак эканлигини аниқлаб олишга ҳам ёрдам берар экан. Кўриклар жараёнида биз ўзимиз учун, мактабимиз учун қандайдир янгилик, ўзгаришлар олиб келдик. Энг муҳими, ўзимиз интилаётган мақсад учун охиригача курашишга астойдил бел боғладик.

Янги дунёқараш, янгича ҳаёт, янги куннинг шаклланишида мактаб нафақат устоз ва ўқувчилар учун, ота-оналар учун ҳам «маънавият булоғи» бўлиб хизмат қилади. Мен ўзимни мана шу булоқда жўшаётганимдан ўта мамнунман.

Менинг жўшқинлигим ва шижоатим ҳаёт суқмоқларидан баланд-паст томларга урилиб, сайқалланиб оқишим ўқувчиларимнинг чанқоғини қондиришга хизмат қилади. Мен ўқитувчи бўлганимдан фахрланаман, ўз ўқувчиларим орзу қиладиган, намуна оладиган, бир умр қалбидан чиқармайдиган ўқитувчи номини олишга интиламан.

Гулнора АЙМЕТОВА,
С. Раҳимов туманидаги 278-мактаб ўқитувчиси.

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

Яқинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг математика факультетида талабалар билан бўлиб ўтган давра суҳбатининг мақсади ҳам маърифат, илм-фан машъали ёритаётган нурдан уларни баҳраманд қилиш эди.

Институтнинг илғорларидан бири бўлган математика факультетида ўтказилган бу тадбир мавзуси «Ўзбекистонда информатика фанининг равнақи» деб номланиб, унда шу фанга катта ҳисса қўшган, нафақат республикамизда, балки яқин ва узоқ хорижий давлатларда ҳам таниқли информатик олимлардан Низомий номидаги ТДПИ да «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» кафедрасига асос солган, яқин кунларгача унга мудирлик қилган техника фанлари доктори, профессор М. Зиёхўжаев, институт илмий ишлари бўйича ректор муовини, педагогика фанлари доктори, профессор А. Абдуқодиров ва бошқалар иштирок этдилар.

Давра суҳбати Ўзбекистонда информатика фанининг ташкил топишида ва ривожланишида улкан ҳисса қўшган, юзлаб шогирдлар устози, академик В. Қобуловнинг ҳаёт ва ижоди билан таништиришдан бошланди. Суҳбатда иштирок этган, юқорида номлари зикр этилган мутахассис олимлар, шунингдек математика факультети декани М. Мадиримов, «информатика ва ТТВ» кафедраси мудири вазифасини бажарувчи физика-математика фанлари номзоди, доцент Р. Боқиев, педагогика фанлари номзоди, доцент Т. Азларов ва бошқалар талабаларга информатика фани ҳақида гапириш билан бир қаторда, бўлажак ўқитувчиларга маданий-маърифий соҳада ҳам ибратли фикрларни баён қилдиларким, зеро маънавият маърифатсиз ва маданиятсиз бўлмагай.

Давра суҳбатига «Компьютер шоу» телетанловининг финалисти Тошкент шаҳридаги 40-мактаб-гимназия ўқувчиларининг чиқиши янада файз бағишлади. Суҳбат сўнгида талабалар орасида викторина ўтказилди ва ғолиблар тақдирланди.

Р. РАҲМАТОВ.

Darsliklarni varaqlaganda

МАҲОРАТ ВА СЎЗ БОЙЛИГИ ЗАРУРАТИ

Дарсга тайёрланмай келган ўқувчидан сабабини сўрасангиз, турли важкарсонларни рўкач қилади. Аммо аксарият ҳолларда баҳонанинг асл сабаби мавзуни тушунмаганлигига бориб тақалади. Дарсни ҳижжалаб тушунтирсангиз, ўқувчи мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида ўз жавоблари билан бизни қониқтирса, бироқ кейинги сафар тайёр эмаслигини билдирса, беихтиёр ўйлаб қоласан: Она тилининг қонун-қоидалари шунчалик мураккабми? Наҳотки, тил бирликларини таҳлил қилиш таърифларини ёд олиб амалда қўллай билиш учун кўп нарса талаб қилинса? Йўқ, дейсиз тўла ишонч билан. Лекин ўқувчи фанни ўзлаштира олмаётганлиги учун кимни ва нимани айблашни билмай гаранг бўласиз.

Руҳшунослар тажрибанинг натижасига кўра, янги мавзу ўтилгач, бир ҳафтадан сўнг маълумотнинг атиги 25 фоизи хотирада сақланар экан. Шу туфайли китоб ўқувчининг доимий ҳамроҳи бўлиши зарур.

Чунки ўрганилган янги дарс тўлиқ ё қисман ёддан чиқса, дарҳол дарсликка мурожаат қилиш орқали мавзуга оид ахборотни тиклаш мумкин.

Тилшунослик, умуман фанлар унчалик қийин, мураккаб эмас, фақат ғализ жумлалар билан мужмал ва нотўғри тузилган изоҳлар борки, айнан шу жиҳатлар англашни мураккаблаштирадиган, боланинг қабул қилиш қобилиятини пасайтирадиган воситаларнинг энг асосийларидан биридир. Салбий ҳодиса деб эътироф этилган партиявийлик тамойили ҳам дарсликниннг сифатига салмоқли путур етказган. Бу эса ўз навбатида ўқув қўлланмаларини мазмунан янгилаш ва назорат қилиш масаласини кўтаради. Халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилашдек шарафга муяссар бўлганига уч йил тўлган бир вақтда, яъни 1994 йилда 6—7-синфлар учун «Она тили» дарслигининг чоп этилиши маориф ҳаётида қувонарли ҳол бўлди.

Қонуний зарурият тариқасида амалга оширилган бу вазифа дарсликни янгилаш, зарур ўзгартиришлар киритиш мақсадини кўзлаганлиги аниқ.

Хўш, муаллифлар айни топшириқни сидқидилдан адо этганларми ёки ушбу китоб «янги тўн» кийган эски ҳаммом, эски тосми?

Мазкур дарсликни олдинги нашрларига қиёслаб бу саволга жавоб излаймиз. (А.Ғуломов, И.Абдуллаев, З. Маъруфов, М.Омилхонова, Ўзбек тили дарслиги, 5—6-синфлар учун Т: «Ўқитувчи», 1982), А.Ғуломов, Й.Абдуллаев, З.Маъруфов, М.Омилхонова. Она тили 6—7-синфлар учун Т: «Ўқитувчи», 1994).

Янги ва эски нашрларнинг мундарижаларида тубдан ўзгаришлар йўқ. Фақатгина сўз туркумларининг шаклига кўра турлари бундан мустасно. Хусусан, услубга оид қимматли маълумотлар билан бойитилган. Дарсликнинг назарий қисми кўп ўринларда қайта ишланганлиги, айниқса, унда тилшуносликдаги илмий янгиликлар ўз ифодасини топганлиги, натижада қатор ноаниқ таърифлар тушунарли изоҳлар билан ўзгартирилганлиги, соддалаштирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, дарсликнинг 1982 йилги нашрида феъл майли қуйидагича изоҳланади: «Феълда сўзловчининг иш ҳаракатига муносабатининг ифодаланиши феъл майли дейилади» (197-бет). Янги нашрда эса қуйидаги таърифни ўқиймиз: «Сўзловчининг иш-ҳаракатга мойиллиги феъл майли дейилади» (173-бет).

Шунингдек, энди майлликда уч эмас, тўрт тури фарқланади. Хабар, буйруқ-истак, шарт майллари қаторида мақсад майлига ҳам кенг ўрин берилади. Бу майлнинг замон шакллари кўрсатилганлиги эътиборни жалб этади. Чунки мақсад майли кўп қўлланмаларда таърифланса-да, замон майли шакллари инкор этилар эди. Дарсликда изоҳланишича: «Мақсад майлидаги феъллар **бўл, эди** ёрдамчи феъллари билан қўлланганда, мақсад маъносига замон маъноси қўшилади, яъни улар ўтган, ҳозирги ва келаси замонни кўрсатади» (179-бет).

Муаллифларнинг таъкидлашига кўра: «Мақсад майлининг ўтган замон феъли **бўлди, эди** ёрдамида (айтмоқчи эдим, бўлдим), ҳозирги замон феъли **бўлмоқ** кўмакчи феълига — **яп, —моқда,** — **(А) ётир** қўшимчасини қўшиш орқали (кўрмоқчи бўляпман), келаси замон шакли шахссон қўшимчалари билан тусланган **бўл** феълини ҳозирги-келаси замон шаклида келтириш билан ифодаланади» (179-бет). Бироқ қуйидаги таъриф етарли асослаб берилмаган: «Мақсад майлининг феъл мақсад маъносини ифодаловчи бирон восита билан қўлланмаганда у билдирган мақсад, ният ҳозирги замонга оид бўлади: «Баҳодир меҳнат таълимига қизиқаётир, у ҳунар-техника билим юртига кирмоқчи» (179-бет). Фикримизча, **—моқчи** кўшимчаси фақат ҳозирги эмас, яқин келажакка оид, яъни келишни мақсад қилган, бироқ келаётгани йўқ.

Дарсликни ўрганиш мобайнида муаллифлар матнлар, машқлар таркибида ўзгартириш киритишга уринганликлари намоён бўлди, аммо натижа у қадар қониқарли эмас. Масалан, 1-машқданоқ қуйидаги саволга кўзимиз тушади: «Синфдошларингиздан кимлар кашшофлар оромгоҳида бўлди?» (3-бет). Демак, аввалги нашрдаги «пионерлар лагери» бирикмасининг таржимаси (кашшофлар оромгоҳи) келтирилган, холос. Шунга ўхшаш ҳолни 353-машқда ҳам кўриш мумкин: «Йиғинга 25 кашшоф қатнашди» (120-бет).

Маълумки, болада ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш,ижодиёти мевасини ёзма баён этишга ўргатиш, она тилини ўқитишнинг асосий вазифаларидан биридир. Ижодий мушоҳада эса ўз навбатида ўқувчи дунёқараши, маънавиятини кенгайтириш, умуминсоний ва миллий қадриятларга чуқур эътиқод туйғусини уйғотиш масаласини биринчи ўринга қўяди. Китоб билан танишар эканмиз, 6-7-синф ўқувчилари учун берилган иншо мавзулари талабга мувофиқ эмаслиги, ижодий мустақил фикрлашга эмас, балки кўпроқ кузатиш, ахборот беришга асосланган мавзу танлангани маълум бўлади: «Мактаб ошхонасида», «Мактаб устахонасида», «Мактаб кутубхонасида» (105-машқ, 34-бет) «Бизнинг мактабимиз», (117-машқ, 38-бет), «Дарахт яп-роқларининг тўкилиши» (97-машқ, 30-бет), «Куз кунларида» (98-машқ, 31-бет).

Бирор воқеа ёки нарсани кузатиш ҳамда тасвирлаб бериш ҳам, албатта, маҳорат ва сўз бойлигини тақозо этади. Шунинг учун 6-синф бўлимидаги «Оддий тасвир ва бадиий тасвир» мавзуси алоҳида, муҳим аҳамият касб этади. Лекин 82-машқдаги «Менинг портфелим», «Менинг сигирим» мавзуларида бадиий тасвир билан оғзаки ҳикоя қилиш вазифаси мутаносиб ёшдаги болаларнинг савиясига мос эмас.

«Она тили» дарслигининг даққатга молик ижобий хусусиятларидан бири шундаки, бу китобда асалари (65-машқ, 21-бет), ғўза (129-машқ, 119-бет), тоғнинг мевали дарахтлари (369-машқ, 127-бет), кўксултон (372-машқ, 127-бет), ялпиз (373-машқ, 127-бет), қўнғир айиқ (253-машқ, 119-бет) ва шу каби ўсимликлар, ҳайвонот оламининг жонзотлари ҳақида батафсил маълумот берилади. Айни матнларни келтириш йўли билан она табиатнинг мўъжизалари ҳақида болада тасаввур ҳосил қилиш, гўзалликни ҳис эта билишни ўргатиш мумкин. Аммо дарсликда маънавий озуқа берадиган, кишини руҳлантирадиган қизиқарли кичик ҳикоялар, эртакларга кенг ўрин берилмаган. Шунингдек, бадиий асарлардан олинган лавҳалардан воқеанинг мантиқий йўналишини белгилаб, аниқлаб бўлмайди. Гап ким ё нима ҳақида кетаётганини билиш мумкин бўлмаган бундай матнларни унутиш эса жуда осон. Дарсликда ҳанузгача рус ёзувчиларининг қаламига мансуб асар парчалари кўп ўринда келтирилган. Фикримизча, ўзбек тилининг қонун-қоидаларини ўргатишда таржима асарлардан эмас, балки миллий адабиёт намуналаридан фойдаланилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Башарти, адибларимизнинг ахлоқий-таълимий асарлари ҳам шу мақсадда қўлланилса, бир ўқ билан бир нечта қуённи урса бўлади: ўқувчида ҳам миллий адабиётга қизиқиш уйғонади, ҳам янги мавзуни ўрганиш вақтида унинг эътибори бўлинмайди, дарс зерикарли бўлмайди, ҳам маънавий баркамоллик пиллапояларида бир поғона кўтарилади.

Янгиликка интилиш яхши, аммо муаллифларнинг дарсликни ўрганиб камчиликларни тузатиш, матнларни ўзгартириш имконидан тўла фойдаланмаганликлари кўриниб турибди. Хуллас, мазкур дарсликни янгидан нашр этишда қайд этилган мулоҳазалар ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зилола ХУДОЙБЕРГАНОВА,
ТошДУ аспиранти.

Ko'ngil bitiklari

ОНАМГА МАКТУБ

Онажон мен сизни соғиндим жуда,
Кўксингизга қўйгум келар бошимни.
Гоҳида кўраман тунлар тушумда
Болишга артаман соғинч ёшимни.

Кўкдаги ой бўлсам, ҳар кони тунда
Сиз билан сирлашсам, дилимни очсам,
Дардингизга малҳам бўлолсам шунда
Йўлингизга олтин поёндоз сочсам.

Қанийди қуш бўлиб учиб борсайдим,
Отилардим иссиқ бағрингиз томон.
Начора олисда қийналар юрак
Мен шунга маҳкумман, нетай онажон!

* * *

Шунчаки ўтмоқда кунларим
Бефайзу бесамар иложсиз.
Ҳижронда қорайди тунларим
Юлдузларга боқдим ишончсиз.

Дардларимни тўккали ёлғиз
Оппоқ қоғоз бўлди сирдошим.
Айт нечун йиғлайсан, эй, кўнгил
Айт нечун дарёсан кўз ёшим.

* * *

Ўтар кунлар, ўтар умрлар
Қайтиб келмас асрлар оша.
Мен ҳам яшаяпман миттигина жон
Мен ҳам кетаяпман қайгадир шоша.

Ўтар кунлар, ўтар умрлар
Бахтнинг ошиёни қайда билмасман.
Юрагимни қийнар фақат битта дард
Бу йўлларга яна қайтиб келмасман.

ҲОЛАТ

Бир мен эмас, боғлар ҳам бедор
Сўзсизгина қўйдим кўз ташлаб.
Қуёш тафтин сўндириб ботар
Булут кезар кўнглимни ғашлаб.

Дарёлар ҳам оҳиста оқар,
Гўё ҳаёт аччиғин тотган.
Мусичалар бир маъюс боқар
Билмам дунё недир йўқотган.

Қандолат ШИРИНОВА,
Қўшработ туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси.

Ёз гашти.

Xullas...

АЖДАҲО БИЛАН ОЛИШУВ

Сан-франциколик полициячи Ж. Бовуэр ўзи ҳам туппа-тузук нашаванд эканини элу юртдан яшириб юрарди. Бироқ қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади деганларидек, куз оқшомларининг бирида Ж. Бовуэрнинг сири фош бўлди. Ўша оқшом у нашадан керагидан ортиқ тортиб қўйиб, хитойлар яшайдиган маҳаллада тентираб юрганди, ногоҳ, ўзи томон ҳамла қилишга шайланаётган аждаҳога кўзи тушиб қолди! Ж. Бовуэр жон ҳолатда тўппончасини ялангочлаб ёвуз махлуқ томон кетма-кет ўқ узди. Аммо аждаҳо жойидан қилт этмай турарди. Ўқ овозига одамлар йиғилди, тезкор полиция гуруҳи етиб келди. Улар сўкина-сўкина тўппончасини қайта ўқлаётган Ж. Бовуэрни қўлга олишди. Шундан кейингина хитойлар ресторанининг деворига безак учун чизилган аждаҳо муқаррар «ҳалокат»дан омон қолди.

АНТИҚА ПУЛЛАР

Индонезиянинг Бутур ороли аҳолиси бундан бир неча аср илгари ғаройиб пул бирлигига эга бўлишган. Ўшанда ерлик аҳоли пахта ипидан тикилган катта дастрўмолни пул ўрнида ишлатишган.

КОСМОСГА САЁҲАТ ҚИЛАСИЗМИ?

У ҳолда 20 минг АҚШ доллари миқдорида билет пули тайёрлаб юринг. Насиб бўлса, олмон мутахассисларининг ваъдасича, 2005 йилга бориб космосга саёҳатлар одатдаги ҳолга айланар экан! Ҳозирги тахминий ҳисоб-китобларга кўра космосга туристлар билан битта парвоз 3,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ҳаражатга тушар эмиш.

Дарвоқе, Бремен шаҳрида ўтказилган халқаро симпозиум пайтида ўтказилган савол-жавобларга қараганда ҳозир 100 мингдан ортиқ космос саёҳатига тараддуд кўриб юрган «фанат»лар бор экан!

Sport maydonchasi

ДОВРУҒИ ДУНЁГА ДОСТОНЛАР

Россиялик машҳур спортчи 31 марта жаҳон рекордини ўрнатган, Рим олимпиадаси ва 4 карра жаҳон чемпиони Юрий Власовни биласизми? У 13 йил мобайнида бирон марта ҳам мўлжалдаги штангани кўтара олмай қолган эмас. Тарих бошқа бундай спортчини ҳалигача билмайди. «Палаццо делло спорт» стадионида у эришган натижани кўрсатишга табло рақами етишмади. Янги рекордни қўлга ёзишга тўғри келди. Венадаги жаҳон чемпионати олдидан эса афишаларга: «38 мамлакат спортчилари ва Ю. Власов қатнашади» деб ёзиб қўйилганди.

СПОРТ — БУ ЖАСОРАТ ДЕГАНИ

Монреал олимпиада ўйинларида киевлик спортчи В. Борзовга юз метр масофага югуриш мусобақаси олдидан телефон орқали дўқ-пўписа қилинади: «Яхшиликча майдонга чиқмай қўя қол, бўлмаса снайпер ишга киришади». Бундан қони қайнаб кетган спортчи оғир жароҳатини ҳам унутиб стартга чиқади ва мусобақанинг бронза медалини қўлга киритади.

ҒАЛАБА МУБОРАК

Юртдошимиз, моҳир гимнастикачи, олимпиада чемпиони Оксана Чусовитина яқинда Италияда ўтказилган халқаро турнирда кўпкураш бўйича мусобақа ғолиби бўлиб, олтин медаллари шодасини яна биттага кўпайтирди.

АҚЛ ЁШДА ЭМАС, БОШДА

Шахмат бўйича республика 62-чемпионати якунланди. Унда мухлису мутахассислар умид кўзи билан қараётган, ёшлар ўртасида жаҳон экс-чемпиони, 18 ёшли халқаро спорт устаси Рустам Қосимжонов барча донгдор рақибларини мағлуб этиб, бош совринни қўлга киритди.

МҲСК — РЕКОРДЧИ

Олий табақа жамоалари қисқа танаффус олдидан чемпионатнинг 13-тур учрашувларини ўтказишди. Пешқадам «МҲСК» жамоаси «Чилонзор» жамоасидан 2:1 ҳисобида устун келиб, қаторасига қозонилган ғалабалар сонини 13 та етказган бўлса, «Сурхон» жамоаси бу йилги чемпионатдаги биринчи ғалабасини қўлга киритди. У «Зарафшон»ни 4:3 ҳисобида мағлуб этди. Қолган учрашувлар натижалари: «Нефтчи» — «Андижон» — 6:1, «Бухоро» —«Янгиер» — 4:0, «Трактор» — «Пахтакор» — 1:1, «Хоразм» — «Навбаҳор» — 0:0, «Косонсой» — «Насаф» — 1:0, «Атласчи» — «Дўстлик» — 1:2.

ХАЙР, ТАЛАБАЛИК!

Мана, талабалик олтин даври ҳам ниҳоясига етиб бормоқда. Қувончу ташвиш, орзую умидларга тўла беш йил ҳам елдек ўтиб кетди. Насиб бўлса, эрта-индин етук мутахассислик дипломини қўлга оламиз. Аммо, тан олиш керак, кўнгиллар андак хижил. Чунки мустақиллик туфайли кундан кунга сермазмун, қизиқарли бўлиб бораётган дарс аудиторияларини тарк этиш алам қилаяпти-да. Айниқса, ҳурматли, билимдон устозларимиз — А. Абдураззоқов, С. Авезбоев, О. Бобожонов, О. Рамазонов, М. Сулаймонова, З. Ҳафизова, Т. Исмоилов, А. Ғафуров, Э. Нурматов каби инсонларнинг ажойиб маърузалари бир умр хотирамизда муҳрланиб қолса ажабмас.

Эрта-индин талабалик масъулияти мутахассислик масъулияти билан алмашади. Хўш, бу улуғвор масъулиятни қандай тушунмоқ мумкин? Мана, ҳукуматимиз иқтисодий тақчилликларга қарамай бизларни катта харажатлар эвазига ўқитди. биз ҳам ҳудди шу олийжанобликка муносиб жавоб беришимиз қарзу фарздир. Мустақиллик шарофати, Ватан, Миллат шон-шуҳрати учун ўз иш ўрнимизда туриб жон-жаҳдимиз билан меҳнат қилишимиз даркор.

Сирасини айтганда эртага кичкинагина диплом билан бирга тоғдек масъулият ҳам қўшиб оламиз. Масъулиятни ҳис қилмаслик эса яшаётган кунга ҳурматсизлик. Воажаб, эртага етуклик дипломи билан бирга «ишонч» отлиғ ўзга бир туҳфа ҳам оларканмизда.

Тўғрисини айтсам, юқоридаги жумлаларни битаяпману дилда ўзга бир нидо: қани энди барча ишончу ифтихор варақалари берилмасаю талабалик деган муқаддас бир сўз кўнглимиздан юлиб олинмаса. Афсуски, бунинг ҳеч имкони йўқ. Бизни вақт чекинтиряпти. Энди ўтган талабалик умр фурсатлар пойига тиз чўксада, ёлворсада не илож. Хайр, унутилмас дамлар! Хайр талабалик!

Нуъмон МЕЙЛИКОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтининг битирувчи курс талабаси.

ҚУТЛОВ

Мўътабар ва қадрли Раҳимахон СУЛТОНОВА!

Юнусобод туманидаги 274-мактаб жамоаси Сизни математика фанининг моҳир устози сифатида қадрлайди ва қутлуғ айёмингиз ила қутлайди.

Қутлуғ бўлсин 50 ёшингиз,
Омон бўлсин азиз бошингиз.

O'git

КИТОБ ҲАҚИДА

Ҳаётда бир дона яхши китоб ёзиш катта иш ҳисобланганидек, бир дона яхши китоб ўқиш ҳам катта гап.

Л. ТОЛСТОЙ.

* * *

Ҳар бир одам китобни унинг қаҳрамонларига ўхшаш учун ўқийди.

Жорж СИМЕНОН.

* * *

Инсон яратган нарсалар ичида китоб қалбимизга энг яқинроғидир.

Жозеф КОНРАД.

* * *

Китоб кишига ўз «мен»идан юқори кўтарилишга ёрдам беради.

Жон ГОЛСУОРСИ.

САДОҚАТ

Эссе

Азиз ва меҳрибон биринчи ўқитувчим Дилором опа Хусомиддинованинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

Болаликнинг олис осмонлари бир кун пасайгандай бўлди. Ўша пасайган осмон остида орзулари чил-чил синган қизалоқ узоқ йиғлади. Узо-оқ йиғлади. Кечагина болалигининг изи тушган чанг кўчаларга кўз ёшлари тўкилди... Унинг йиғисини қушлар-да эшитди, ҳатто қумурсқалар-у майсалар-да эшитди, уни юпатмоқ учун осмон-да пасайди... Аммо қизалоқнинг кўнглини тушунгувчи кўнгил топилмади. Маҳалланинг тўрт тенгқур қизидан бирини мактабга қабул қилишмади: салкам бир ярим ёш кичик, бўлмайди дейишади.

Унинг осмон орзулари майсадек нозик кўнгли оёқлар остида қолгандай туюлди, назарида. Кўнглидаги тилига чиқмади, тилига чиққани кўнглидагини айтолмади...Кўнгилни кўнгил тушунмаса, уни тушунтириб бўлмаслигини қизалоқ англаб етди... англаб етгувчи эса топилмади...

Энди у кунларнинг ўтишини кутиши керак эди. Узо-оқ кутиши керак. Дунё кутиш кунларига қурилган майдонга ўхшайди... бу майдоннинг адоғи кўринмас, ундан югуриб ўтиб — манзилга етиб бўлмасди...

Қизалоқ ўшанда «кутиш» сўзининг юкини бир қадар ҳис қилгандай бўлди. Кутилган кун унга дунёдаги энг катта қувончни олиб келадигандай эди... У умр отлиғ бу дунёда кутилмаган кунларнинг ҳам борлигини, у кунларнинг-да елкасида Армон отлиғ оғриқ борлигини билмасди.

Қизалоқ узоқ кутди — 365 кун! Ва ниҳоят, ўша кун келди, ундан-да бахтиёр одам йўқ эди... Қувонч унинг ўйига-ўйига кириб келди.

Қувончнинг ранги — унинг китоб-дафтарларига, мактабга элтар йўлларига айланганди. Янги мактабнинг очилиши бир қувонч бўлса, кўп бор эшитгани одамлар ҳамиша ҳурмат билан тилга оладиган Дилором опанинг синфида ўқиши кутилмагандаги минг қувонч бўлди...

Қувончдан-да улуғроқ узоқ тунлар бармоқларини букиб-букиб санаб-санаб кутгани — Сабр унга Хизрни йўлатгандай эди...

Йўқ, йўқ... Сизнинг қалбингизга Хизр назари тушган эди...

* * *

Болаликнинг узоқ кўчаларида мен узоқ кутган қўнғироқ янгради. Бу беташвиш болаликка ясалган якунмиди, катта ҳаётга бошловчи чорловмиди? Билмадим... Аммо қўнғироқ садолари-ла кўнгилларга кириб борганингиз, Дилором опа.

Йигирма етти кўнгилга экканингиз илму одоб, меҳру муҳаббат ниҳоллари эди... Ниҳоллар бўй чўзди, қад ростлади, юксалди... Сиз эшитиб-да кўнглингиз тоғ бўлди... Сиз асл ТОҒ эдингиз, аслида... Ҳар юракни эшитиб, дунёнинг каму кўстларини бут қилиб кўрсатардингиз, шунга қодир эдингиз.

Бизларда у пайтлар одоб дарси ўтилмасди. Аммо, Сизнинг ҳар бир дарсингиз — ҳар бир сўзу ҳаракатларингиз, одоб дарсларидан зиёда — қалблару руҳларни поклайдиган дунёнинг мукаммал дарсига айланган эди...

Муомала маданияти... Бу сўзни қачон эшитганимни эслолмайману, лекин уни Сизчалик тушуниб етган, етказган ўқитувчи кам эди. Мактабда камхарж оиларга ёрдам деб, энгил-бош, оёқ кийим бериларди. Бизнинг синфимизда ҳам шундай кийимлар пайдо бўлардию кимга берилганини билмасдик. Уларни мавриди билан, алоҳида-алоҳида чақириб, ёки уйига обориб беришингизни кейин билдик: «Синфдошларининг орасида қандай қабул қилади? Бирига хуш келса, бировининг кўнгли ўртоқларининг олдида юз газ чўкади... Эҳтиёт бўлиш керак, болаланинг кўнгли дарз кетса чегалаб бўлмайди», дегандингиз қўшни синфдаги тўполондан сўнг ҳамкасбингизга.

У муаллима бир болага: оиланг қийналиб яшайди, сенга мактабдан ёрдам, деб ҳамманинг олдида оёқ кийим берган... ва ориятли келган бола «ёрдам»ни улоқтириб, синфдан чиқиб кетган эди... У боланинг қаттиққўл ва қаттиқсўз ўқитувчиларнинг гапига кириши қийин эди. Опамизни эса ичдан ҳурмат қиларди. Бир куни унинг «Булардақа зўр ўқитувчи кам-да» деганини эшитганимда унинг кўнглидан нималар ўтганини тушунгандай бўлгандим....

Меҳр... унинг ранги... шу ҳақда эшитганмисиз?..

Меҳрнинг ранги қандай, суврати қандай, менинг азиз СИНФДОШЛАРИМ?

Меҳр гулининг ранги сизнинг қалбингизда, суврати Сизнинг қиёфангизда, тилларингизга чиқмай қолган сўзларингизда...

* * *

Садоқат, дейишади... Нима у? Гоҳида бу сўзни узоқ вақт эшитамизу, унинг маъниси нималигини тушунмаймиз. Китобий сўз: совуғи ҳам, иссиғи ҳам йўқдай...

Ўша куни умрингизда илк бор биринчи қўнғироққа қатнашмаганингизни — қатнаша олмаганингизни мен қаёқдан билай? Мактаб ҳақида сўраганим, сўровларим мулзам бўлди... Сўзларингиз эшитиб юракларим зил бўлганди, Дилором опа.

— Болам, ўттиз икки йилдан бери янги ўқув йилини болалар билан байрамдек кутардим. Ўқувчиларнинг ҳар бирини ёзги таътилда кўргим келарди, соғиниб қолардим. Бугун, бугун... чидаёлмадим болам, — опа кўзларига ёш олди. Биринчи қўнғироқни, болаларнинг шовқинини эшитдиму уйда ўтиролмадим. Деворларни ушлаб, аранг ҳовлига чиқдим, кўзим тиниб, юролмай қолдим. «Дод» деб шу ердан чиқиб кетгим келди. Уйим мактабга яқинлигидан умримда биринчи маротаба афсусланиб кетдим. Болаларга, уларга ниҳоятда ўрганиб қолган эканман, соғлиғим бўлганда...

Сиз унсиз йиғлаб, кўзларингиздан оқаётган марварид томчилар менинг юрагимни ёқар эди. Ҳайратдан қотиб қолгандим: Бу не? Касбга меҳр, болаларга муҳаббатми?

Фидойилик, Садоқат! Олисдан сирли садо келди.

Сизнинг, фидойиликнинг қаршисида тиз чўкдим.

Армонларингиз юракларимга тошдай ботганди... Сизни эслаганим сайин тошларнинг изи симсим оғриқ беряпти энди.

Касбингизга, болаларга ҳурматингизни ифодаламоқ учун лугатлардан сўз тополмадим. Садоқат, дегани ҳеч бўлди...

* * *

Мен эртакларни яхши кўрардим: ҳовлимизнинг бир чеккасидаги радиодан қорлар тагида туриб эртак эшитганларим кечагидай эсимда... Эртак тинглаган одам бошқа кишига айланиб қолади... Эртак айттувчининг руҳи воқеалар билан ҳамоҳанг қуйга ўхшайди... Бир куйки, кўнгилни йиғлатиб, кўнгилни куйлатади, кўнгилни куйдиради... Эшитганим, бувимнинг узоқ тунлар айтган эртаклари... сўнг... эртак ниҳоясида ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, астагина: Умр бу эртак, болам: бор эканда... йўқ экан... тушунганда кеч экан — тушунганда кет экан... бор эканда... йўқ экан...» дея қайта-қайта такрорлашлари сабабини тушунолмасдим.

Энди билсам, эшитганларим — бу фоний дунёнинг эртаклари — узимизни эртак, деб юпатганимиз: умрга берилган ҳақ ва рост баҳо: бор эканда... йўқ экан...

Шу икки сўз оралиғини, синов дунё, дердингиз, Дилором опа. Сабр дунё дердингиз.

ОРАЛИҚнинг Сизга аталган синовлари — ўглингизнинг бевақт ўлими оралиқни яна ҳам яқинлаштирганини билмаган эканмиз. Узлуксиз дардлар, касалхоналар... Сизга берган оғриқлари ўтиб кетади, деб ўйлаган эканмизу Сизнинг ўтиб кетишингизни ўйламаган эканмиз, Дилором опа. Оғриқларингиз ҳақида сўрасам: боламни кеча ерга қўйгандек ёнаман, дердингиз... Қанча вақт ўтди — қанча йиллар... Кеча кечалигича қолди, бугун эса Сизни...

Сабрга айланган бу дунё беш кунмас, ё раб... бир кунга айланганмиди?

Қишда кетсам, одамларга азоб, мактаб пайти болалар сарсон, дердингиз... Сураганингиз эртаклардаги фаришталардан-да зиёда: сўнгги қўнғироқдан уч кун сўнг...

Бу қўнғироқ Сиз учун энг сўнггилигини қаердан билайлик?.. Орзуларимиз бошқача эди-ку, Дилором опа. Келаси йил мактабни тугатганимизга 15 йил тўлишини, бирга мактабимизга йиғилиб, болалигимизни бир эслашингизни ният қилгандик. Мана, йил ҳам ўтди... Мактабга қадам қўямизу... Бу — биз кутган қўнғироқ, мактабимизнинг Сизни кутган кўчаларида қадамларингиз соғиниб, йўллар зорикди...

* * *

Тушларимга тез-тез кирасиз, ўлмаган бўласиз. Мен ишонаман, чунки... мен Сизни кузатмоққа етиб боролмаганман. Шунда, «бир қадам узоқ» нималигини ҳис қилганман. Бу ҳис — бу сўз юрагимга муҳрланиб қолди, энди.

Ўша кеча тиканнинг устида ётдим — ёстиғимнинг намидан юзларим ачишар, бу кеча йилнинг энг узоқ тунига айланганди... кўнглим бир гадога, шундай бир гадога айлангандики... одамлардан тилаганим, бу ноҳуш хабарнинг ёлғон... ёлғонлигини улардан эшитиш эди... Учратганим, биринчи танишимдан сураганим, ростми?.. дедим. У менга ғалати қаради-да, ёлғон ҳам бўларканми, ўлим, деди совуққина. Улимнинг ҳақлигини билардим, Дилором опа. Аммо бу ҳақ улим вақт билмаслигини бунчалар деб ўйламагандим... Сизни кўрганимга, то саҳар қилиб гаплашиб ўтирганимга ўн кун бўлганмиди, йўқми?..

Сумалак куни эди...

Мени ўқитувчилигимдан буён бирор марта сумалак билан йўқлолмай қолганлигингизни билмайман, бир ойдан кейин бўлса ҳам менга аталган насиба уйингизнинг бир бурчагида асраларди... Бу йил эса менга асраладиган идишлар буш, бурчакларнинг ўрни ҳувиллаб қолди... Қай кун уйингизга қадам босдиму эшик рўпарасидаги сумалак қозоннинг ўрнига кўзим тушди: назаримда бу қозоннинг ўрни; Сизнинг салобат билан шу атрофга ярашиб ўтирадиган жойингиз нам тортгандай... туюлди. Бу баҳор сумалак ўчоқларингиз ёқилмай, қозонларингиз қайнолмай қолди, Дилором опа!.. Қозонларга туз ташловчи фаришталар ҳовлингизда гир-гир айланиб изларига хомуш қайтдилар...

Одамзот излаганини гоҳо хаёлдан топмоқ истайди... Уйлар гирдобига ғарқ булади... Жавоби йўқ сўровларига ғойибдан ечим топгандай ўзини юпатади...

Набирангизни нега мактабга кузатдингиз, дейман... Одам интиқ кишисиними, жойиними кўрса бу фоний дунёдан боқий дунёга осон кетади, дейди. Азизбекни мактабга кузатганингиз, ўқитувчиларни ҳам бир чеккага қўйиб, дарс ўтганингиз... Наҳот, дейман, наҳот ҳудди шу куни кечаси содир бўлди, эртаклардагидек... Аслида, Сиз ўша куни азиз кунларингиз — азиз умрингиз ўтган ғуша билан хайрлашгани борганингизни билармидингиз, Дилором опа. Кейин менинг топганим шу бўлди: йиллар давомида орзу қилганингиз соғайиб, яна синфхоналарини тўлдириб дарс ўтиш эди... Кўнглингиз амри билан ғойибдан куч берилдими — мактаб билан ғойибона хайрлашгани борганингиз... Бу — хайрлашув мадҳиясига ўхшарди...

* * *

Ўн тўрт йил биринчи ва сўнгги қўнғироқларда Сизни — болалигимни, рост дунёни эслайман. Бу йил эса қўнғироқнинг садоларида кўнгилнинг бир чеккасидан баҳор томчиларидай нимадир узилиб-узилиб тушгандай бўлди. Ёлғон дунёни яна бир бор кашф қилдим...

Ўн тўрт йилми, бир йилми, қай бири узоқлигини билолмай қолдим. Тун қуюқлашган сари ойнинг ёруғи тобора ўткирлашиб боради, дейди. Сизнинг қадрингиз, насиҳатларингиз ҳам вақт ўтган сайин ойнинг ёруғи мисол кўнгилларда кўнгил чироқларини ёқяпти...

Улуғ шоир: Кузни юмгил, кўзга айлансин кўнгил, дейди.

Кўзларимни юмсам, Сизни кўраман, кўнгил сўроқлайсиз:

«Бу кунларнинг ташвиши, синови ўткинчи болам. Ҳали шундай кунлар келади... Сен қувонгин... Қизчанг мактабга чиқдими?

— Чиқди, опа, — дейман, — кечагина биринчи синфни тугатди.

— Билдим-да, болам, кўнглим сезди...

Аста йироқлашасиз...

Сизсиз энди менинг кўнглимни фаришталар сўроқлайди. Йўқ, йўқ... Сизнинг фаришталарга айланганингиз рост. Ҳар кун фаришталарга қўшилган руҳингиз ёғоғимга кириб кўнгил сўроқлайди...

Кўнгил... бу шундай бир кўнгилки... Хизр унга кўнгил қўйган. Бу кўнгилни ХИЗР тавоф айлаган...

Фаришталарга айланган руҳингиз, Хизр тавоф айлаган кўнглингиз қаршисида бугун йиғирма етти кўнгил бошлари ерга тегиб таъзим қилади: борар жойингиз жаннат, юрар йўлларингиз нур, қабрингиздан ўсгани гул-гиёҳ бўлсин...

Дилфуза ШОМАЛИКОВА,
Паркент тумани.

Xotira

ana shunaqa gaplar

ЭЪЛОН

Юқори Чирчиқ туманидаги 11-ўрта мактаб томонидан 1990 йилда Фарҳод Усмонов номига берилган А — 298782 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва ўзбек филологияси факультети жамоаси ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси доценти Р. Иноғомовга рафиқаси Малика ИНОҒОМОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар булими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0379. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6